

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР КАДРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Кўчқаров Диёрбек Улуғбекович

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

### Аннотация

Мазкур мақолада профессионал таълим тизими раҳбар кадрларини бошқарув компетенцияларини такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш жараёнларни ташкил этиш, бошқарув қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган электрон дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва ахборот коммуникация технологиялари воситасида объектив баҳолаш механизмларини яратиш каби масалалар муҳокамаси баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Learning Outcomes, креативлик, касбий релевант, касбий мобиллик, компетенция, интеллектуал, инвестицион лойиҳалар, глобаллашув, инновация, платформа, интернет-таълими.

Жаҳонда профессионал таълим тизими тажрибаларга кўра, таълим натижалари концепцияси (Learning Outcomes) ва малакали кадрларни объектив саралаш тамойиллари асосида таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий муҳим сифатларини яъни, ўз-ўзини фаоллаштириш ва намоён қилиш, креативлик, касбий релевант маълумотларни топиш ва улардан самарали фойдаланишни ривожлантиришга қаратилган янги профессионал таълим тизими асосида уларда мустақил тўғри қарор чиқариш, ўз-ўзини бошқариш, танқидий таҳлил, ностандарт фикрлаш ва доимий равишда янги ғоя, технологияларни излаш, топиш ва амалга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш муаммоларини тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Янги профессионал таълим мазмунида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг касбий мобиллиги ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириш ҳамда мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш ижтимоий зарурати мавжудлича қолмоқда. Профессional таълим тизимида таълим натижасига эришиш нафақат унда дарс берувчи педагоглар, балки раҳбар ходимларнинг интеллектуал салоҳияти ва бошқарув компетенцияларини қай даражада эгалланганлигига боғлиқ. Профессional таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади бозор иқтисодиётининг ўзгариб бораётган талабларига мослашиб бориш, бунда иқтисодиёт тармоқлари, бизнес субъектлари, янги инвестицион лойиҳалар асосида кириб келаётган технологик жараёнларга қўйилаётган талабларга мос мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва тегишли таълим

йўналишлари ва ихтисосликларига мўлжалланган янги авлод ўқув дастурларини жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Бугунги глобаллашув даври профессионал таълим раҳбар ходимларидан янги шароитларга тезкор ва самарали мослашувни, янги билимларни жадал эгаллашни, яъни замон талабларига муносиб бўлишни тақозо қилади. Бошқарув фаолияти мазмуни, талаблари, характери ва йўналишларини такомиллашиб бориши раҳбар ходимларни касбий тайёрлашда компетенциявий ва инновацион ёндашувларни талаб этмоқда.

Профессионал таълимда янги авлод раҳбарларини касбий маҳоратини такомиллаштириш бизнингча, малака ошириш тизимини рақамлаштирилиши, мазмунан янгиланиши билан боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 106-сон “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш, таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш масалалари устувор вазифа этиб белгиланган. Бунда, тизимга замонавий технологияларни жорий қилиш, малака оширишда муқобил ва мустақил таълим шаклларини жорий этишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, жараёни рақамлаштириш, тингловчилар учун қулай таълим платформаларини яратиш ва доимий равишда платформа структурасини такомиллаштириб бориш лозим.

Малака оширишнинг янги шаклларини жорий этиш, масофадан туриб таълим олиш, интернет-таълимини тадбиқ этиш асосида бошқарув компетентлигига эга бўлган раҳбар кадрларни тайёрлашни амалга ошириш мумкин. Бугунги кунда профессионал таълим тизимида раҳбар кадрларни бошқарув компетенцияларини такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш жараёнларни ташкил этиш, бошқарув қобилиятларини ривожлантириш учун электрон дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва ахборот коммуникация технологиялари воситасида объектив баҳолаш механизмларини яратиш, таълим жараёнида ахборот таълим муҳитини такомиллаштириш таълим тизими олдида турган муҳим масалалар сифатида эътироф этилади. Чунки, рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, мавжуд илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг бугунги кунда дунё билан интеграциялашуви ва ўз тараққиётида турли халқаро рейтингларни ва инсон ресурсларини ривожлантириш индикаторларини жорий қилаётганлиги эътирофга лойиқдир. Ушбу натижалар аввало тизим ва тармоқларда интеллектуал илмий салоҳиятга эга бўлган бошқарув раҳбар кадрларнинг тўғри танловига боғлиқ ҳолда амалга ошади. Раҳбарларнинг нафақат савияси, балки ишониб топширилган тармоқ ёки соҳада янгилик қила олиш салоҳияти, тармоқни ривожлантира олиш қобилияти, муаммоларни ҳал қила олиш борасидаги қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узок муддатли стратегик режалар белгилаши ва уни амалга ошира олиши асосий мезон бўлиши лозим.

Профессионал раҳбар кадрларни, салоҳиятли бошқарувчиларни тайёрлаш ва танлаш, уларни ўз ўрнига қўя олиш жараёни мамлакат ҳаётининг энг долзарб масаласи экан, бу борада доимий ўзгаришлар, доимий янгиликлар ва такомиллашув бўлиши керак. Раҳбар кадрларни танлашнинг энг олий мезонлари, лавозимга тайинлашнинг тажрибадан ўтган синовлари қўлланилишигина бу борада стратегик бурилишни таъминлаш мумкин.

Мамлакатимиз ривожланишининг тамомила янги босқичи, учинчи Ренессанс даврини бошидан кечириётган бир даврда айнан, раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларнинг бошқарув, психологик, маънавий, интеллектуал, сиёсий салоҳиятини юксалтириш ва уларни доимий мониторинг қилиб бориш, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш, уларнинг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилаш борасида ишларни амалга ошириш бугунги куннинг муҳим устувор масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганлиги ҳаммамизга маълум. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм фан, юқори технологиялар ва инновацион ютуқларни кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Бундан келиб чиқадики, таълим тизимида бажарилаётган ишларда ўқитишнинг сифати, самарадорлиги, мутахассисларни юқори интеллектуал салоҳияти ва уларнинг касбий компетенциясини таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрнини топишида замонавий таълим тенденциялари билан уйғунлаштирилган ўқитиш усуллари амалиётга тадбиқ этиш муҳим саналади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. 464 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони. Тошкент. 2019 йил 6 сентябрь, ПФ-5812-сон. <https://lex.uz/docs/4500926>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини

- кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 106-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5309472>
4. Джураев Р.Х., Тайлоқов Н.И. Ахборотлашган таълим муҳити-ўқитиш самарадорлигини ошириш воситаси // “Uzluksiz ta'lim”. ИМЖ. – Т., 2004. – №3. – Б. 3-7.
  5. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022, April). INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANIB TALABALARNING MUSTAQIL FIKRLASHLARINI SHAKLLANTIRISH. In E Conference Zone (pp. 101-105).
  6. Отамирзаев, О. У., & Зокирова, Д. Н. (2018). Тажриба машғулотларини мустақил ўрганишга ундовчи таълим бериш орқали олиб бориш. Современное образование (Узбекистан), (3), 45-49.
  7. Отамирзаев, О. У., & Зокирова, Д. Н. (2014). Мустақил фикрлашларни шакллантиришга йўналтирилган дарс ишланмаси.
  8. Зокирова, Д. Н. (2021). Талабаларга Мустақил Ўрганишга Ундовчи Таълим Беришда Касбий Ва Умумтаълим Фанларининг Интеграцияси. Современное образование (Узбекистан), (6 (103)), 24-28.
  9. Химматалиев, Д. О., & Зокирова, Д. Н. (2022). НАЗАРИЙ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ФАНИНИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРКИБИ АСОСИДА РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Eurasian Journal of Academic Research, 2(3), 630-638.